



БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ АСОСИДА БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Нилуфар Шарипова,

PhD, Тошкент молия институти

“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчи

Тошкент, Ўзбекистон. *e-mail: shani_80@mail.ru*

ORCID: 0000-0002-4892-9922

EVALUATION OF FINANCIAL STABILITY OF BANKS BASED ON TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF THE BANKING SYSTEM

Nilufar Sharipova,

PhD, Tashkent Institute of Finance

senior lecturer of the Department "Banking Account and Audit"

Tashkent, Uzbekistan. *email: shani_80@mail.ru*

ORCID: 0000-0002-4892-9922

JEL Classification: E5, E58

Аннотация: Банк тизими бу бир-бири билан ҳамда ташиқи муҳит билан узвий алоқадорликда бўлган банкларнинг умумлашган тизимидир. Замонавий банк тизими бу исталган мамлакатнинг миллий иқтисодиёти асоси бўлиб ҳисобланади, ҳозирги пайтда банклар универсал молиявий воситачилар бўлиб, молиявий сегментнинг барча қисмларида асосий молиявий воситачилари бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун банкларнинг умуман барқарорлиги, шунингдек, молиявий барқарорлигини таъминланиши, банк тизимининг фаолият кўрсатиши, ўз олдига қўйилган фунция ва вазифаларни тўлақонли бажариши, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига асос бўлади. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги миллий иқтисодиёт элементи сифатида қаралади. Барқарорлик банк тизимининг комплекс макроиқтисодий хусусиятидир.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши даражаси молиявий секторнинг фаолияти самарадорлиги

билан узвий боғлиқдир. Кредит ташиқотларининг ресурс базаси етарлилиги, банк хизматлари сифатини ошириши учун тақдим қилинаётган хизматлар ҳажминини ошириши учун ички имкониятларнинг мавжудлиги тадбиркорликнинг ривожланиши, аҳолининг реал пул оқимлари ортишига таъсир қилади.

Капитал етарлилиги, кредит рискни баҳолаш, ликвидликни баҳолаш, бозор rischi, фойда каби кўрсаткичлар алоҳида кредит ташиқотларининг рискларини ўз вақтида аниқлашга, банк тизимида салбий таъсирларнинг юзага келмаслигига ёрдам беради. Банк тизими барқарорлиги индикаторларининг мамлакат ЯИМига нисбатан ўзгариши динамикасига қараб дунё мамлакатлари банк тизими ривожланганлиги ва барқарорлигига баҳо бериши амалиёти кенг қўлланилади. Жаҳонда турли мамлакатларда банк ялпи активларининг ўтган йилга нисбатан ошиши ёки банк капиталининг ўтган даврга нисбатан

ошиши кузатилса-да, ушбу кўрсаткичларнинг айнан мамлакат япти ички маҳсулотига нисбатан пасайиши ҳолатлари кўп кузатилади. Бундан ташқари, миллий валюта барқарорлигини таъминлашга эришилсада, банк тизимининг молиявий барқарорлиги масаласида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Илмий мақолада Ўзбекистон банк тизими ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жиҳатлари, мазкур соҳадаги муаммолар ва уларни ечишга доир амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Abstract: Banking system - this is a generalized system of banks that are inextricably linked with each other and with the external environment. The modern banking system is the basis of the national economy of any country, currently banks are universal financial intermediaries and act as the main financial intermediaries in all parts of the financial segment. Ensuring the stability of banks in general for the economy of Uzbekistan, as well as ensuring financial stability, the functioning of the banking system, the tasks assigned to it and the full implementation of its tasks, in turn, they will become the basis for the development of the country's economy. The financial stability of the banking system is considered as an element of the national economy. Stability is a complex macroeconomic characteristic of the banking system.

The level of development of the country's economy is inextricably linked with the efficiency of the financial sector. The sufficiency of the resource base of credit institutions, the availability of internal opportunities to increase the volume of services provided, improve the quality of banking services affect the development of entrepreneurship, an increase in real cash flows of the population.

Indicators such as capital adequacy, credit risk assessment, liquidity assessment, market risk, profit contribute to timely identification of risks of individual credit institutions, prevention of negative consequences in the banking system. The practice of assessing the development and stability of the banking system of the countries of the world is widely used, depending on the dynamics of changes in the indicators of stability of the banking system in relation to the country's GDP. While in the world there is an increase in the gross assets of banks in different countries compared to the previous year or an increase in bank capital compared to the previous period, there are many cases of a decrease in these indicators in relation to the gross domestic product of the country. In addition, despite ensuring the stability of the national currency, a number of problems remain related to the issue of financial stability of the banking system. The scientific article analyzes the trends in the development of the banking system of Uzbekistan and provides practical suggestions and recommendations on the specifics and aspects of ensuring financial stability of banks, problems in this area and their solution.

Калим сўзлар: банкларнинг молиявий барқарорлиги, банк активлари рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши.

Keywords: financial stability of banks, return on assets, return on capital, the share of problem loans in the total volume of loans issued.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масаласи бўлиб, ушбу йўналишда халқаро стандартлар ва илғор тажрибани

қўллаган ҳолда банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш; кредитлашнинг мўтадил даражада ўсишини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш; банк назоратини ва банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизимларини ривожлантириш, шу жумладан рискка асосланган назорат тизимини татбиқ этиш ишлари амалга оширилиши белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таҳлил қилиш мақсадида, аввало, банк тизимининг умумий ривожланиш тенденциялари таҳлилин амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш механизмларини ўзига хос хусусиятларига оид масалалар қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, банк тизими барқарорлигини баҳолашга салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, иқтисодчи олимлардан Лавен ва Майнони фикрича, иқтисодий ўсиш даврида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун етарли резервлар яратадиган банклар иқтисодий таназзулнинг салбий оқибатларини минималлаштириши ва кредит таклифини юқори даражада сақлаши мумкин [2]. К.Суровнева ўз изланишлари натижасида шундай хулосага келади: банкнинг молиявий ҳолати унинг қолган барча соҳаларидаги фаолиятига, шунингдек, молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Банкнинг молиявий барқарорлиги унинг ликвидлиги

билан узвий боғлиқдир [3]. А.Абдуллаев тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмни тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарур, деб таъриф берган [4].

Материал ва метод. Тижорат банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш механизмни такомиллаштиришда тизимли таҳлил ҳамда моделлаштириш усулларидан фойдаланилади. Ушбу усуллар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш имконини беради. Шунингдек, тижорат банкларининг барқарор фаолиятини таҳлил қилишда қийинлаш усулидан фойдаланган ҳолда уларга таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлик даражалари белгиланади. Мазкур усуллар тижорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболларини белгилаб беради.

Натижалар. Мамлакат иқтисодиётида банк тизимининг ривожланиши, умуман олганда, унинг барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Банк тизимининг барқарорлигини аниқловчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:



1-расм. Банк тизими барқарорлигини акс эттирувчи белгилари

Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлашда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар

тўғрисида”ги низом каби қатор қонунчилик ҳужжатлари асос бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун Марказий банк глобал микёсда энг кўп қўлланиладиган воситалардан фойдаланади. Ушбу воситалар тавсиявий характерга эга бўлиб, Марказий банк улардан фойдаланиши ёки аниқланган тизимли хатарларга кўпроқ мос келадиган янги воситаларни жорий қилиши мумкин.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар қиради:

Оралик мақсадлар:	Тавсиявий воситалар:
1. Лавераж ва кредитлар ўсиш суръатини молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олиш мақсадида қўлланиладиган тавсиявий воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> - Контрициклик капитал буфер (ССуВ); - Тармоқлар учун (секторал) капитал талаблар (тармоққа йўналтирилган кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари бўйича таваккалчилик); - Макропруденциал лавераж нисбати; - Кредит суммасининг гаров суммасига нисбати чеклови (LTV); - Кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови (PTI/DSTI); - Кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбати чеклови (LTI/DTI).
2. Долларлашувнинг тизимли хатарларини чеклаш мақсадида қўлланиладиган тавсиявий воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> - Таваккалчилик вазнларини ҳисобга олиш (валюта турига кўра табақалаштириш); - Кредит суммасини гаров суммасига, кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбатига чекловлар (валюта турига кўра табақалаштириш); - Хорижий валютада қарз бериш ва қарз олишга чеклов; - Корпоратив кредитларга таваккалчилик чекловлари (хорижий валютадаги кредитлар); - Валюта турлари бўйича ликвидликни қоплашнинг меъёрий коэффициенти; - Валюта турлари бўйича соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти; - Валюта турлари бўйича мажбурий захиралар; - Валюта турлари бўйича мажбурий бошлангич тўлов; - Тизимли хатар буфери (SyRB).
3. Муддатлар ўртасидаги номутаносибликларни ҳамда бозор ноликвидлигини камайтириш мақсадида қўлланиладиган тавсиявий воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> - Ликвидликни қоплаш меъёри коэффициенти (LCR); - Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти (NSFR); - Кредитларнинг депозитга нисбати (LTD).
4. Таваккалчиликларнинг концентрациялашувини тартибга солиш мақсадида қўлланиладиган тавсиявий воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> - Тармоқлар бўйича тизимли хатар буфери; - Йирик таваккалчиликларга чекловлар.
5. Тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп хатарлар жамланишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган тавсиявий воситалар:	<ul style="list-style-type: none"> - Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфер.

Тижорат банклари томонидан юқорида белгиланган кўрсаткичлар учун халқаро Базель Қўмитаси ҳамда Марказий банк томонидан қўйилган талабларнинг вақтида бажарилиши банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Шунингдек, банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш учун фақат кредит ташкилотларининг саъй-ҳаракатидан ташқари, банк тизимини тартибга солишнинг самарали пул-кредит сиёсати ҳам олиб борилиши лозим. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминловчи самарали инструментлардан бири кредитлаш ва инвестицияни кенгайтиришга қаратилган *контрцикли модел* бўлиб ҳисобланади.

Контрцикли модел банк назоратининг мураккаб назорат тури бўлиб, банк инқирозларининг юзага келишини олдини олишга ёки банк инқироzi натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни минималлаштиришга қаратилган талабларни ишлаб чиқади. Ушбу модел инструментларига динамик резервлаш, капитал етарлилигига

қўйиладиган талабларни ошириш, банклар томонидан контрциклик буфер капиталини шакллантириш талаби кабиларни мисол қилиш мумкин.

Мамлакатда банк тизими кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, банкларнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 2023 йил 1 январь ҳолатига 390 трлн сўмни ташкил этиб, уларнинг 74 фоизи корпоратив кредитлар, 26 фоизи чакана кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Банк кредитлари бугунги кунда корпоратив мижозлар томонидан, асосан, асосий капиталга инвестиция сифатида эмас, айланма маблағларни тўлдириш учун ишлатилади. Банклар томонидан ташкилотларга ажратилган кредитларнинг инвестицион фаолиятга йўналтирилиши иқтисодий тараққиётнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таҳлил қилиш мақсадида умуман банк тизими ривожланиш тенденциялари таҳлилин аналга оширамиз.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал.

Банк тизими кўрсаткичлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
ЯИМ	407 514,5	510 117,2	580 203,2	738 425,2	888 341,7
Жами банклар активлари	214 419,6	272 726,9	366 121,1	444 922,5	556 746,3
Жами банклар капитали	26 678,9	51 030,7	58 351,3	70 917,6	79 565,4
Жами кредитлар	167 390,6	211 580,5	276 974,8	326 385,6	390 048,9
Жами депозитлар	70 001,4	91 009,0	114 746,9	156 189,8	216 737,5
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3

Ҳисоб-китоблар, умуман олганда, барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш тендециясига эга эканлигини кўрсатади. Бунда депозит ва кредитларнинг ортиб борганлиги ижобий кўрсаткич бўлиб, депозит ва кредитларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам асосан ўсиш

динамикасига эга. Шунингдек, банкларнинг умумий капитали ва активларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати бўйича кўрсаткичлар ҳам ортиб борган. Ушбу таҳлиллар ижобий бўлса-да, банк тизими фаолияти самарадорлиги ва банклар молиявий барқарорлигини

аниқлаш учун тегишли кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш лозим бўлади. Сабаби, банк кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши ортиб кетиши, ликвидлилик ва капитал етарлилиги бўйича талабларнинг бажарилиши доимий кузатиб борилиши ва лозим пайтда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Банк иши соҳасида кўплаб илмий ишлар олиб борган олимлардан бири ҳисобланган О.И. Лаврушиннинг фикри бўйича қуйидаги кўрсаткичлар асосида банк тизимининг ривожланиш даражасини баҳолаш мумкин[5], булар:

- Банк активларининг ЯИМга нисбати;
- Банк фойдасининг ЯИМга нисбати;

- Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати;
- Банк капиталининг ЯИМга нисбати;
- Банк активлари рентабеллиги(ROA);
- Банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажмининг ЯИМга нисбати;
- Жисмоний шахсларнинг банкка жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати;
- Юридик шахсларнинг банк ресурс базасига жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг динамикаси Ўзбекистон Республикаси банк тизими амалиётида таҳлили 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими кўрсаткичлари динамикаси

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
ЯИМ	407 514,5	510 117,2	580 203,2	738 425,2	888 341,7
Активлар	214 419,6	272 726,9	366 121,1	444 922,5	556 746,3
Активларнинг ЯИМга нисбати, %	55,1 %	52,6%	53,5%	63,1%	60,3%
Жами банк фойдаси	3 199,5	4 680,7	5 642,2	3 885,3	9 993,4
Жами банк фойдасининг ЯИМга нисбати, %	0,79%	0,92%	0,97%	0,53%	1,12%
Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар	85 271,8	114 284,6	98 740,9	125 720	137 838,1
Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, %	20,9%	22,4%	17,01%	17,02%	15,5%
Жами банк капитали	26 678,9	51 030,7	58 351,3	70 917,6	79 565,4
Жами банк капиталининг ЯИМга нисбати, %	6,8%	6,5%	10,0%	10,1%	9,6%
Жисмоний шахсларнинг банкка жалб қилинган маблағлари	178 636,2	239 033,6	329 886,8	523 265,1	671 362,7
Жисмоний шахсларнинг банкка жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати, %	43,8%	46,8%	56,9%	70,9%	75,5%
Юридик шахсларнинг банк ресурс базасига жалб қилинган маблағлари	1 246 589,6	1 714 694	1 908 710,4	2 764 835,1	3 067 360,8

Юридик шахсларнинг банк ресурс базасига жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати, %	305,9%	336,1%	328,9%	374,4%	345,3%
Банк активлари рентабеллиги (ROA)	2,0	2,2	2,2	1,3	2,5
Банк капитали рентабеллиги (ROE)	16,2	16,7	10,3	6,1	13,3

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизда жами банк активлари охириги беш йилда ўсиш динамикасига эга бўлиб, активларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати 2018 йилдаги 55,1 фоиздан 2022 йил охирига келиб 60,3 фоизга кўтарилган.

Жами банклар кесимида банк фойдаси 2021 йилдаги кескин пасайишни ҳисобга олмаганда, умуман ўсиш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин. Жами банк фойдасининг ЯИМга нисбати 2018 йилда 0,79 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич ортиб борган, аммо 2021 йилда банк фойдасининг камайиши ҳисобига ушбу кўрсаткични 0,53 фоизни ташкил қилганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат 2020 йилда пандемия натижасида иқтисодиёт субъектларининг фаолияти пасивлашгани, уларга берилган кредит танаффуслари билан изоҳланади. Шунингдек, жами банк фойдасининг ЯИМга нисбати 2022 йилда банк фойдасининг ортиши натижасида яна ўсиш тенденциясига эга бўлган ҳамда 1,12 фоизни ташкил қилган.

Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар таҳлили ушбу кўрсаткичнинг охириги беш йилда ортиб борганини, аммо иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларни ялпи ички маҳсулотга нисбати 2018 йилдаги 20,9 фоиздан 2022 йил охирида 15,5 фоизга тушганини кўрсатади.

Таҳлиллар натижасида жами банк капиталининг ўсиш тенденциясига эга

эканлигини ва жами банк капиталининг ЯИМга нисбати 2018 йилдаги 6,8 фоиздан 2022 йилда 9,6 фоизга етганини кузатиш мумкин. Аммо капитал рентабеллиги 2018 йилдаги 16,2 фоиздан 2022 йил охирида 13,3 фоизга тушган. Банкнинг молиявий рентабеллиги соф фойданинг ўз капиталига нисбати орқали аниқланади ва банк капиталининг даромадлилигини билдиради. Капитал рентабеллиги кўрсаткичининг пасайганини банк фойдасининг 2021 йилда камайгани билан изоҳлаш ўринли бўлади.

Жисмоний шахсларнинг банкка жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати охириги беш йилда ортиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилдаги 43,8 фоиздан 2022 йилда 75,5 фоизга етгани ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат аҳолининг банк омонатларига ишончи ортганини ифодалайди.

Юридик шахсларнинг банк ресурс базасига жалб қилинган маблағлари таҳлил даврида ортиб бориш динамикасига эга. Юридик шахсларнинг банк ресурс базасига жалб қилинган маблағлари ЯИМга нисбати 2018 йилда 305,9 фоиздан 2022 йилда 345,3 фоизга етган.


Банк активлари рентабеллиги кўрсаткичи, банк фойдасининг банк активларига нисбати сифатида аниқланади. Ушбу кўрсаткич, 2021 йилда 1,3 фоизгача пасайганини ҳисобга олмаганда, таҳлил даврида ортиб борган, ҳамда 2018 йилдаги 2 фоиздан 2022 йил охирида 2,5 фоизга етган. Ушбу кўрсаткич учун маълум бир

чегара белгиланмаган бўлса-да, бизнингча, банк активлари рентабеллиги кўрсаткичини *беш фоиздан* кам бўлмаган даражада ушлаб туриш банк молиявий барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Марказий банк маълумотларига кўра, банклар томонидан 2022 йил давомида 203 трлн сўм миқдорида ёки ўтган йилга нисбатан 22 фоиз ортиқ кредитлар ажратилган. Мазкур кредитларнинг 68 фоизи (137,8 трлн сўм) корпоратив ва 32 фоизи (65,3 трлн сўм) аҳолига ажратилган кредитлар хиссасига тўғри келади. Корпоратив кредитларнинг 37 фоизи (ёки 51 трлн сўмини) айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган

револьвер кредитлардир. Банкларнинг жами кредитлари салмоғида инвестицион фаолиятга йўналтирилган кредитларнинг кўпайиши иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Мисол учун, Хитой иқтисодиётида жами капитал қўйилмаларнинг 25 %га яқини банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади[6].

Банкларнинг кредит портфелида муддати ўтган қарздорликларнинг ортиши жиддий оқибатларга олиб келади. Шундан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткичнинг пасайиши банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди дейиш ўринлидир.



2-расм. NPLнинг жами кредитлардаги улуши, %.

Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 2020 йил охирида 2,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йил охирига келиб 5,2 фоизга етган (2-расм). Марказий банк томонидан 2021 йилда муаммоли кредитлар ҳажмининг ортиши пул ўтказмаларининг камайиши ва аҳоли даромадининг қисқариши билан боғлиқлиги таъкидланган[7].

Шунингдек, банклар кредит портфелида муаммоли кредитлар улуши 2023 йил 1 январь ҳолатига 3,6 фоизни (14 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос

даврига нисбатан 1,6 фоиз бандга пасайганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат, қисман олганда, 2022 йил охирида кредит портфелининг асосий улушини муаммоли кредитлар ташкил қилган Hi-Tech ва Туркистон банкларининг фаолияти тугатилгани билан ҳам изоҳланади.

Ушбу кўрсаткич давлат улуши мавжуд банклар ва бошқа банклар кесимида таҳлил қилинганда, давлат улуши мавжуд банклар учун 3,9%ни, бошқа банклар учун 2,1 %ни ташкил қилгани кузатилди. Шу жумладан, давлат улуши

мавжуд банклардан Ўзғроэкспортбанкда бу кўрсаткич энг юқори 96,3%ни, Халқ банкида 11,9%ни, Микрокредитбанкда 4,8%ни ташкил этган.

Жумладан, Марказий банк маълумотларига кўра, Ўзбекистонда тизимли аҳамиятга молик банклар учун кўшимча буфер қўллаш зарурати юзага келмоқда[8]. Базел қўмитасининг узок муддатли иқтисодий таъсир ёндашувига (LEI) кўра Ўзбекистонда биринчи даражали асосий капитал (СЕТ1) учун ўрнатилган меъёр (8 фоиз) унинг энг мақбул кўрсаткичидан паст даражада шаклланган. Шунингдек, банк тизимининг концентрация индекси (ННІ индекси)га кўра, Ўзбекистонда банкларнинг концентрациялашуви ўрта даражада бўлмоқда. LEI¹ ҳамда НН индекси² бўйича таҳлил натижалари Ўзбекистоннинг тизимли аҳамиятга молик банклари учун биринчи даражали асосий капиталга нисбатан 2 фоиз қўшимча буфер ўрнатишни тақозо этади. Шунингдек, халқаро амалиётдан келиб чиқиб капиталга қўйилган минимал талаблар билан буфер талабларини мувофиқлаштириш тизимли аҳамиятга молик банклар учун буфер жорий қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Хулоса. Юқорида мамлакат банк тизими ривожланиш тенденцияларини таҳлили келтирилди. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги хулосалар ва таклифларни келтириш ўринлидир:

-

- Банклар фаолиятида активларнинг таваккалчилик даражаси бўйича назоратни кучайтириш ҳамда капитал учун контрциклик буфер ўрнатилиши талабини ўрнатиш лозим. Юқорида таҳлиллар натижасида капитал рентабеллиги кўрсаткичининг таҳлил даврида пасайиб боргани кузатилди. Шунингдек, Марказий банк молиявий барқарорлик шарҳида макро стресс-тестнинг хатарли сценарийсида, яъни иқтисодиётнинг кескин ёмонлашуви ва валюта курсининг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳолатида банк тизими регулятив капиталнинг монандилик коэффиценти 13 фоизлик меъёрий чегарадан тушиб кетиш эҳтимоли юқорилиги белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, активларнинг таваккалчилик даражаси бошқарилиши назоратини кучайтириш ҳамда капитал учун контрциклик буфер ўрнатилиши талабини ўрнатиш заруриятини юзага келтиради.

- Банк тизимида соғлом рақобатни рағбатлантириш лозим. Бу стандарт кредит-депозит маҳсулотлари ўрнига инновацион банк хизматларининг жорий қилинишига, умуман, банк-менежментининг яхшиланишига олиб келади.

- Рискларни баҳолашга катта эътибор қаратилиши жуда муҳим: кредит рискининг юқори концентрацияси, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бозор рисклари, муаммоли кредитларнинг улушини минимал даражасини таъминлаш лозим.

¹ An assessment of the long-term economic impact (LEI) of stronger capital and liquidity requirements/ Basel Committee on Banking Supervision/ August 2010.

² Herfindahl-Hirschman Index (ННІ) - бозор концентрациясининг умумий ўлчови бўлиб, бозор рақобатбардошлигини аниқлаш учун ишлатилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2020 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Laeven, L., & Majnoni, G. (2003). Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178–197. [https://doi.org/10.1016/S1042-9573\(03\)00016-0](https://doi.org/10.1016/S1042-9573(03)00016-0).
3. Суровнева К. Инструментарий оценки устойчивости российских банков, диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санкт Петербург, 2018.
4. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.
5. «Банковская система в современной экономике»: учебное пособие /Под ред. О.И. Лаврушина. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2012.
6. Егоркин Е.А. “Совершенствование методов оценки финансовой устойчивости коммерческого банка” – дисс.на соискание уч.степ. пол.канд.наук, Махачкала-2015.
7. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/05/31/npl/>Доля проблемных кредитов в банках за месяц выросла более чем на 1 трлн сумов.
8. ЎзР Марказий банкининг 2022 йил яримйиллик учун Молиявий барқарорлик шарҳи, 27-бет.
9. ЎзР Марказий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 йил учун Статистик бюллетенлари.
10. <https://cbu.uz>.